

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

.. 6 “ март 2018 й. г. № 180

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Давлат мактабгача таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**  
**(Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 28 февралдаги ПҚ-3571-сон қарори)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 28 февралдаги ПҚ-3571-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларини рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 январдаги 10-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мактабгача таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В. Акмалов ва Мактабгача таълим вазири А.В. Шин зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил “ 6 ” мартдаги 180-сон  
қарорига илова

**Давлат мактабгача таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш  
ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомга  
киритилаётган ўзгартиришлар**

**1. 9-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“9. Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат мактабгача таълим муассасалари раҳбар, педагог ва тиббиёт ходимларининг лавозим маошлари ва базавий тариф ставкаларига 100 фоиз миқдорида, тарбиячи ёрдамчиларига эса 50 фоиз миқдорида қўшимча тўлов тўланади.”

**2. Иловада:**

**а) I-бўлим қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“I. Давлат мактабгача таълим тизими педагог ходимлари:

Т /р	Лавозим номи	Базавий тариф ставкаси миқдори (сўм)				
		олий малака тоифали	биринчи малака тоифали	иккинчи малака тоифали	олий маълумотли	ўрта махсус (касб-хунар) маълумотли
1.	Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари методистлари, инспектор-методистлари	1 375 370	1 296 461	1 214 056	1 133 700	х
2.	Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимларининг методистлари	1 266 199	1 148 291	1 075 487	1 004 547	х
3.	Тил бўйича ўқитувчи, ўқитувчи-логопед, ўқитувчи-дефектолог	1 169 857	1 090 244	1 013 420	939 660	868 863
4.	Тарбиячи-методист, тарбиячи, психолог	1 090 244	1 013 420	939 660	868 863	802 296
5.	Музыка раҳбари	959 397	882 590	808 840	738 464	671 538
6.	Тарбиячи ёрдамчиси, шу жумладан умумий ўрта маълумотли	610 164				

**б) III-бўлим қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“III. Давлат мактабгача таълим муассасаси мудир:

т/р	Лавозим номи	Базавий тариф ставкалари миқдорлари (сўм)	
		I гуруҳ	II гуруҳ
1.	Мудир	1 169 857	1 090 244